

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИНОВА НИГИНА САФАРОВНА

**БАДИИЙ МАТНЛАРДА КОНТРАСТНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (АНВАР ОБИДЖОН, УСМОН АЗИМ, АЪЗАМ
ЎКТАМ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Садинова Нигина Сафаровна

«Бадий матнларда контрастнинг лингвопрагматик хусусиятлари» (Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам асарлари мисолида).....3

Садинова Нигина Сафаровна

«Лингвопрагматические особенности контраста в художественном тексте» (на примере произведений Анвара Абиджана, Усмана Азима, Аъзама Уктама).....23

Sadinova Nigina Safarovna

The lingvopragmatic features of the contrast in the literary text (on the examples of Anvar Obidjon, Usman Azim, Azam Uktam poems).....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works46

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИНОВА НИГИНА САФАРОВНА

**БАДИИЙ МАТНЛАРДА КОНТРАСТНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (АНВАР ОБИДЖОН, УСМОН АЗИМ, АЪЗАМ
ЎКТАМ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil497 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.navoiy-uni.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Собиров Абдулхай Шукuroвич
филология фанлари доктори, профессор

Пардаев Азамата Бахронович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.19.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 103-уй. Тел.: (99871) 281-10-22; e-mail: tdutau.nazorat@edu.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 103-уй. Тел.: (99871) 281-10-22.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

Д.А.Дадабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида кейинги йилларда тил ҳодисаларини антропололингвистик, хусусан, лингвопрагматика нуқтаи назаридан талқин қилишга қизиқиш кучайди ва бу соҳада бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Лингвопрагматикага кўра инсон ҳаётда юз бераётган барча воқеа-ҳодисалар марказида туриши, улардан таъсирланиши ҳамда ўзи ҳам уларга муносабат билдириши ва бу муносабатнинг турли нутқий вазиятларда ҳар хил кўринишларда намоён бўлишини лисоний тавсифлаш муҳим ҳисобланади. Нутқ жараёнида адресант ва адресат муносабатининг воқеланишида, фикр ифодалашда лисоний ҳодисалар ўртасидаги ўзаро номувофиклик, қарама-қарши белги-хусусиятларни юзага чиқаришда сўздан фойдаланилади. Шундай экан, у онг ва тафаккурга оидлигига мувофиқ мантиқ ва диалектика билан боғланса, ифодаланишининг шакл ва воситаларига кўра тилга боғланади. Шунинг учун тилдаги контраст ҳосил қилувчи бирликларнинг сўзловчи прагматик мақсадининг амалга ошиши, воқелик фактларини баҳолашда муҳим ўрин тутиши, бадий асардаги образлар тавсифини беришда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини қарама-қарши маъноли сўзлар ва ибораларнинг ўзаро муносабати асосида ёритиш эмоционал-экспрессивликни таъминлашини ифодалаш матн билан боғлиқ соҳаларнинг асосий муаммоларидан саналади. Бу борада эришилган натижалар контраст бирликларнинг лингвопрагматик имкониятларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида контраст ҳодисасининг тил сатҳларида воқеланиши, уни юзага келтирувчи бирликлар, функционал-прагматик имкониятларни аниқлашга доир тадқиқотлар юзага келган. Контраст ҳосил қилувчи бирликларнинг тил тизимида тутган ўрни, ўзига хос жиҳатлари, адресант коммуникатив мақсадига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши, ўзбек тили материаллари асосида матн ҳосил қилишда муҳим прагматик «юк» олиши, бадий матн, хусусан, поэтик матнлардаги ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш ўзбек тилшунослигида контраст ҳодисасининг прагматик таҳлил объекти борасидаги мавжуд қарашларни бойитади, илмий-назарий жиҳатдан асослайди.

Мамлакатимизда таълим тизими ривожини, ўзбек тилининг Давлат тили сифатида юртимиз ички ва ташқи ҳаётида қўлланиш имкониятларини кенгайтириш, ўқиш-ўқитишнинг барча босқичларида уларнинг функционал имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган қатор қонун ва қарорлар тилимизнинг нутқнинг турли кўринишларидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш борасидаги ишларнинг замонавий талаблар даражасида амалга оширилиши учун замин яратди. Айниқса, «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»лиги¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. 258 (6952)-сон.

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини 500 та олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш борасидаги саъй-ҳаракатлар барча илм-фан соҳалари қатори тилшунослар олдига ҳам бир қанча вазифаларни белгилаб қўйди. Ўзбек тилида контраст ҳосил қилувчи бирликларни назарий жиҳатдан ўрганиш, ўзбек тили поэтик матнлари асосида уларнинг лингвопрагматик хусусиятларини кўрсатиб бериш ўзбек тилшунослигида ўз тадқиқини кутаётган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 571-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида бадиий тил воситалари нутқнинг турли кўринишларда қўлланилиши маълум даражада таҳлил этилган. Бу тадқиқотларда адабий тил ва бадиий услуб билан боғлиқ муаммолар², бадиий нутқда қўлланувчи воситалар, фразеологик бирликлар услубияти³, ўзбек тилининг бадиий услуби⁴ масалаларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари, Садриддин Айний⁵, Ҳамид Олимжон⁶, Чўлпон⁷, Ойбек⁸, Абдулла Қаҳҳор⁹, Ғафур Ғулом¹⁰,

² Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стил. -Тошкент: Фан, 1988. – Б.190-207.

³ Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ, 1982. – Б.5-32.; шу муаллиф. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд: СамДУ, 1999.; шу муаллиф. Шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. ДДА. – Тошкент, 1993.

⁴ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Филол.фан.дисс. автореф. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – Б.228.

⁵ Қиличев Э. Архаизмы и историзмы в прозе Садриддина Айны: Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1969;

⁶ Бобоева С. Ҳамид Олимжон поэзиясининг лексик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989;

⁷ Йўлдошев М. Чўлпоннинг халқ ибораларидан фойдаланишдаги маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999, 6-сон. – Б.59-61; шу муаллиф. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан.ном... дисс. – Тошкент, 2000; шу муаллиф.Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002.

⁸ Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2004.

⁹ Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. – Тошкент: Фан,1967. – Б.12-52.

¹⁰ Муҳиддинов М., Каримов С. Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – Б.36-91.

Пиримқул Қодиров¹¹ асарлари тилини тадқиқ қилишга оид тадқиқотлар бадиий матнларни ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилганлигидан далолат беради. Поэтик нутқнинг тил хусусиятларини ўрганиш бўйича ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар яратилди.¹²

Мавжуд тадқиқотларда поэтик нутқда қўлланган бадиий тасвирий воситаларининг лисоний, семантик, стилистик хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилинган.¹³ XX аср ўзбек тилшунослигига эътибор берилса, бадиий матнларни тадқиқ қилиш лингвистик ва стилистик йўналишларда олиб борилганини кўриш мумкин.¹⁴

XX асрнинг охиригача чорагидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ўз мазмун-моҳиятига кўра, бадиий асар тилини ўрганишга турли нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилинган ишлар юзага кела бошлади. Жумладан, Н.Маҳмудов Ойбек лирикасидаги ўхшатишлар ва Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилди.¹⁵ С.Х.Бабаева Ҳамид Олимжон поэзияси¹⁶, Б.Чориев ва Ш.Эгамбердиевалар Ғафур Ғулом асарлари тилининг лингвопоэтик хусусиятлари юзасидан изланишлар олиб

¹¹ Курбонов Т. Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

¹² Шомаксудов А. Язык сатиры Муками (Лексика и фразеология): Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Т., 1956; Аҳмедов А. Фурқат поэзиясининг лексикаси: Филол.фан.номз... дисс. автореф. – Т., 1960; Тўрабекова С. Ғафур Ғулом поэмаларининг тили ва стили ҳақида: Филол.фан.номз... дисс. автореф. – Т., 1961; Чориев Б. Ғафур Ғулом поэзияси лексикасининг айрим масалалари: Филол.фан.номз... дисс. – Т., 1972; Ёриев Б. Язык поэзии М. Шайхзаде: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Т., 1979. – 22 с; Махматмуродов Ш. Язык «Дивана» Хамза Хакимзаде Ниязи: Дисс... канд. филол. наук. – Т., 1981. – 191 б; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат-тайр” Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1982. – 19 с.; Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1983. – 18 с.; Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Хамида Алимджана. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1989. – 19 с; Рустамов М. Гадоий девони тилининг лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1992. – 141 б; Аҳмедов Ҳ. Ўзбек адабиётида насрий шеър: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1995. – 24 б; Рихсиева Г. Шеърятдаги гапларнинг актуал бўлинишида анафоралар ўрни: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1999. – Б.117; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2000. – 24 б; Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза (Э. Воҳидов шеърятини мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2000. – 26 б; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2004. – 23 б; Тожибоев М. Муҳаммад Шабоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2004. – 24 б; Шадиёва Д. Муҳаммад Юсуф шеърятини лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2007. – 25 б; Тўланова Н. Тўқсонинчи йиллар ўзбек шеърятини тилидаги бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2008. – 25 б; Ҳайдаров А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 22; Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Т., 2009. – 48 б; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърятини лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2011. – 25 б.

¹³ Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза (Э. Воҳидов шеърятини мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2000. – 26 б; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2004. – 23 б; Шадиёва Д. Муҳаммад Юсуф шеърятини лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 25 б; Тўланова Н. Тўқсонинчи йиллар ўзбек шеърятини тилидаги бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2008. – 25 б.

¹⁴ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати (маҳорат ва тил ҳақида мулоҳазалар). – Тошкент: 1962, – Б.173-174.

¹⁵ Маҳмудов Н. Ойбек шеърятинидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, 6-сон, – Б.51.; шу муаллиф. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, 4-сон, – Б.34-38.

¹⁶ Бабаева С.Х. Лексико-стилистические особенности поэзии Хамида Алимджана. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 17 с.

бордилар.¹⁷ Кейинги йилларда лингвопоэтика муаммоларига бағишланган йирик ишлар қаторига И.К.Мирзаевнинг асарларини киритиш мумкин.¹⁸ Айниқса, олимнинг «Шеърый матнни лингвопоэтик талқин қилиш муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертацияси лингвопоэтика соҳасидаги кўплаб мунозарали масалаларга чек қўйди. Ишда бир қатор ижодкорлар асарларини таҳлил қилиш орқали тилда мавжуд лексик, фразеологик ва грамматик бирликларнинг муомалага киритилиши тўғридан тўғри поэтик нутқ талаби билан юзага келиши, тил бирлигининг поэтик воситага айланиши сўзловчининг коммуникатив мақсади ҳамда нутқ қаратилган шахсга бўлган муносабатидан келиб чиқиши, нутқий вазият учун мос келадиган поэтизмларнинг тўғри танланиши уни эмоционал-экспрессив воситага айлантириши кўрсатиб берилган.¹⁹

Бадиий матнни ўрганишнинг назарий масалалари Р.Қўнғуров, С.Каримов, К.Эргашева²⁰, М.Миртожиев, Н.Маҳмудов²¹, М.Мирқосимова²², Х.Низамханов²³, А.Сабриддинов²⁴, Қ.Самадов²⁵, Т.Бобоев²⁶ларнинг тадқиқотларида маълум даражада ўз аксини топган бўлса, Б.Умурқуловнинг ҳозирги ўзбек поэтик нутқининг лексик хусусиятларини аниқлашга бағишланган номзодлик диссертацияси ва қатор рисоаларида сўз танлаш санъати унинг бадиий адабиётдаги ўрни кенг таҳлил қилинган.²⁷

Бадиий матннинг назарий масалаларига доир фикрлар Б.Йўлдошевнинг кузатишларида учрайди.²⁸ Ушбу жиҳат С.Каримовнинг «Ўзбек тилининг бадиий услуби» номли монографиясида ҳамда кейинчалик шу мавзудаги докторлик диссертациясида ҳам қисман ўз аксини топган.²⁹

¹⁷ Чориев Б. Фафур Гулом шеърыйати тили. – Тошкент, 1990. – 112 б.; Эгамбердиева Ш. Ф. Гулом асарлари лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, № 1. Б.48-49.

¹⁸ Мирзаев И.К. Некоторые проблемы общей и стилистической типологии в связи интерпретации поэтического текста // Вопросы сравнительной типологии (германские, романские, русский, тюркские языки). Тезисы докладов республиканской научной конференции. – Ташкент: ТГПИИЯ, 1981, – С.223-224; Вопросы лингвистики поэтического текста. Библиографический указатель, часть 1. – Самарканд: СамГУ, 1986. – 73 с.; Теория лингвистического анализа текста. Курс лекций. – Самарканд: СамГУ, 1987. – 38 с.; Поэтическая рифма и структурное своеобразие языка // Актуальные вопросы романо-германской филологии и методики преподавания иностранных языков в вузе. Тезисы докладов республиканской научно-методической конференции. – Самарканд: СамГУ, 1988. – 110 с.

¹⁹ Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста (на материале современной узбекской поэзии): Автореф. дисс... д-ра филол. наук, Ташкент, 1992. – 40 с.

²⁰ Қўнғуров Р., Каримов С., Эргашева К. Лингвостатистические аспекты исследования поэтических текстов современного узбекского языка // Вопросы моделирования языка и машинного перевода. Сборник научных трудов. – Самарканд, 1984. – С.50-54.

²¹ Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 24 б.

²² Мирқосимова М. Бадиий тил ва эпик тасвир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. № 1. – Б.62-66.

²³ Низамханов Х. Выбор слова как проблема литературно-стилистической обработки текста. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 20 с.

²⁴ Сабриддинов А. Сўзнинг поэтик контекстадаги хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, № 6. – Б.42-46

²⁵ Самадов Қ. Сўз ва шеърый ифода. – Гулистон, 1994. – Б.35.

²⁶ Бобоев Т. Поэтика илимини ўқитиш манбалари // Халқ таълими, 1996, № 1. – Б.107-114.

²⁷ Умурқулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; шу муаллиф. Сўз танлаш санъати. – Тошкент, 1985. – 30 б.; шу муаллиф. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент, 1990; шу муаллиф. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1993. – 132 б.

²⁸ Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили. – Самарканд, 2001, – 210 б.

²⁹ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарканд: Зарафшон, 1992. – 140 б.; шу муаллиф. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол.фан. д-ри... дисс.автореф. – Тошкент, 1993. – 50 б.

Г.Муҳаммаджонованинг «80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ҳам лингвопоэтика билан боғлиқ масалаларга бирмунча ойдинлик киритди.³⁰ М.Яқуббекованинг ўзбек халқ кўшиқлари³¹, Г.Жуманазарованинг Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга оид тадқиқот иши ҳам шулар жумласидандир.³²

Ўзбек тилшунослигида бадиий матнни ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлардан бири сифатида М.Йўлдошевнинг «Чўлпоннинг бадиий тил воситаларидан фойдаланиш маҳорати» номли номзодлик диссертация ишини келтириш мумкин.³³

Тадқиқотимизнинг ўрганиш объекти бўлган Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам ижодининг ўзбек бадиий адабиётида тутган ўрни Саид Аҳмад³⁴, Х.Тўхтабоев³⁵, И.Ғафуров³⁶, А.Расулов³⁷, С.Матжон ва З.Иброҳимова³⁸, Н.Жумаев³⁹, Р.Кўчкор⁴⁰, Х.Ҳамроева⁴¹, Р.Баракаев⁴², Г.Жўраевлар томонидан тадқиқ этилган.⁴³

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ўзбек тилшунослигида бадиий матнни ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлардан далолат беради. Ўзбек тилшунослигида бадиий матнларда контраст ва уни юзага келтирувчи воситаларнинг махсус ўрганилмаганлиги, ҳозирги ўзбек адабий тили ва услубият бўйича яратилган дарслик ва қўлланмаларда йўл-йўлакай билдирилган фикрлар масаланинг моҳиятини тўла ёритиб бера олмаслигини инобатга олсак, контраст ва унинг лингвопрагматик табиати, усул ва воситаларини тадқиқ этишнинг тилшунослик учун нақадар муҳимлиги янада ойдинлашади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

³⁰ Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 2004. – 25 б.

³¹ Яқуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: филол.фан.д-ри. ...дис.автореф. – Тошкент, 2005. – 52 б.

³² Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). – Тошкент, 2012.

³³ Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 2000. – 26 б.

³⁴ С.Аҳмад. «Безгакшамол» китобига ёзилган сўзбоши. – Тошкент, 1985. – Б.3-5; 2) шу муаллиф. Фарғонада биттагина // Халқ сўзи. 2000 йил 19 апрель.

³⁵ Тўхтабоев Х. Полосонлик Анвар Обиджон // Халқ сўзи. 2006 йил 20 май.

³⁶ Ғафуров И. Камалак: Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – Б.126-155.

³⁷ Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2009. – Б.187-208.

³⁸ Сафо Матжон, Иброҳимова З. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2007 йил 2 ноябрь.

³⁹ Жумаев Н. Мағзи тўқ шеърлар // Шарқ юлдузи. 1986. – №11.

⁴⁰ Раҳмон Кўчкор. Ажабтовур идрок усули ёхуд Анвар Обиджоннинг «Олтиариқ ҳангомалари» китобидан қолган илк таассурот // Fidokor, 2000 йил 20 июль.

⁴¹ Ҳамроева Х. 1) Ахир менинг қарзим кўп она тупроқдан... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 йил 8 ноябрь; 2) шу муаллиф. Мўъжазу мўъжиза шеър ифори // Тонг юлдузи. 1997 йил 16 июль.

⁴² Баракаев Р. Жонажоним шеърят (80-йиллар ўзбек болалар шеърятини ҳақида баъзи қайдлар). – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 88 б.

⁴³ Жўраева Г.А. Ўзбек болалар шеърятини ҳажвий образ яратиш маҳорати (XX асрнинг 80-90-йиллари материаллари асосида): Фил.фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 24 б.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам индивидуал услубига хос хусусиятларни аниқлашда улар асарлари тили бадииятини таъминловчи контраст ҳосил қилувчи воситаларни аниқлаш ва илмий-назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилшунослигида бадиий асар тилини лингвопрагматик жиҳатдан ўрганиш бўйича амалга оширилган ишларга ҳолисона баҳо бериш бу борада эришилган ютуқ ва камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқлаш;

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам ижодининг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ҳақида фикр юритиш ва уларнинг шеърий асарлари тилини лингвопрагматик жиҳатдан тадқиқ этишнинг бугунги аҳамиятини белгилаш, контраст ҳосил қилишда шоирларнинг лисоний бирликларни танлаш ва қўллашдаги маҳорати, ўзига хос индивидуал услубини очиб бериш;

матннинг функционал-поэтик кўринишларига назарий жиҳатдан ёндашиш ва Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам шеърий асарлари тилининг бадиий жиҳатдан тўлақонли ва пишиқ, эмоционал-экспрессивлигини таъминлашга қаратилган контраст ҳосил қилувчи воситаларни лексик-семантик жиҳатдан далиллаш;

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктамнинг лирик қаҳрамон руҳияти, ички кечинмалари, воқелик фактларига муносабатини очиб беришда контраст ҳосил қилувчи воситалардан фойдаланишдаги ўзига хос томонларини аниқлаш;

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктамнинг бадиий тил имкониятлари ҳамда контраст ҳосил қилувчи воситалардан фойдаланиш маҳорати тўғрисидаги фикрларни бир махражга келтириш ва бу борада муайян хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктамнинг турли йилларда нашр қилинган китобларига киритилган шеърлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам шеърларида қўлланган контрастни воқелантирувчи лексик-стилистик воситалар шеърий асар тилининг бадиий-эстетик жиҳатдан ўзига хослигини таъминлашга хизмат қилишини лингвопрагматик аспектда ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, лингвопоэтик, тавсифлаш, системали ёндашув, компонент таҳлил, структур-функционал таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктамнинг шеърий асарлари

тилининг ўзига хослигини таъминловчи контраст ҳосил қилувчи воситалар аниқланиб, ижодкорлар шеърий асарлари ўзбек тилшунослигида илк бор лингвопрагматика нуқтаи назаридан очиб берилган;

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктамнинг шеърий асарлар тилининг ўзига хослигини таъминлашда контрастни юзага чиқарувчи воситаларнинг аҳамияти, ижодкорнинг улардан фойдаланиш маҳорати ашъвий мисоллар асосида изоҳланган, уларнинг шеърий асар тилидаги ўрни аниқланган;

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам ижодида контрастни воқелантирувчи бирликларнинг лирик қаҳрамонлар характер-хусусиятлари, ички кечинмаларини очишдаги роли, бадиий образлиликни юзага келтиришдаги аҳамияти, контраст ҳосил қилувчи воситаларнинг функционал-семантик, бадиий-эстетик имкониятлари очиб берилган;

контрастни юзага келтирувчи воситаларининг шеърий асарлар тилидаги эстетик таъсирчанлиги фақат бадиий тасвир билан чекланиб қолмай, балки муаллиф коммуникатив мақсадига ҳам хизмат қилиши мисоллар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида контраст ҳосил қилувчи бирликлар, Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам ижодида контраст усулидан фойдаланишга асос бўлган жиҳатлар далилланган;

шоирларнинг контраст усулидан фойдаланиб, бадиий ижодга киритган ўзгартириш ва янгиликлари, контрастнинг поэтик матнларда тутган ўрни ва лингвопрагматик имкониятлари аниқланган;

ижодкорларнинг контраст воситасида фикр ифодалашларидаги ўзига хос жиҳатларни қиёсий тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар тилшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, лингвопоэтика, лингвопрагматика каби соҳалар бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг бадиий матнларда контрастнинг лингвопрагматик хусусиятлари бўйича олиб борган илмий изланишларига оид фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилгани; бадиий матн таҳлиliga лингвопоэтик ва лингвопрагматик ёндашув бўйича қўлга киритилган илмий ютуқлари ва ишончли манбаларга таянилгани, диалектик тафаккурнинг қонуниятларини поэтик асарлар матнига татбиқ қилган ҳолда шакл ва мазмун, макон ва замон, хусусийлик ва умумийлик, сабаб-оқибат категорияларига таянилгани, тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадга эришиш учун семантик-стилистик, компонент таҳлил, тавсифлаш, қиёслаш, лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилгани, илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосаларнинг тилшуносликда контраст ҳодисасини тўғри талқин этиш, бадиий матнда контраст ҳосил

килувчи воситаларнинг қўлланилишида индивидуал услубнинг тутган ўрни, мазкур услубнинг поэтик матнларда зиддият қонуниятларини белгилашда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бадиий асар тилини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш, контраст ҳодисасининг поэтик матнлардаги лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича изланиш олиб борувчи тадқиқотчилар учун муҳим маълумотлар беришда, шунингдек, ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили, услубшунослик, лингвопрагматика, лингвопоэтика, лексикология бўйича ўқув дастурлари тузишда, нутқ маданияти, бадиий матннинг лисоний таҳлили бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратишда материал вазифасини ўташи билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий матнларда контрастнинг лингвопрагматик хусусиятлари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктамнинг шеърини асарларидаги *тўй - аза, савол - жавоб, савоб - гуноҳ, ҳалол - ҳаром, рост - ёлгон, эр - хотин, узун - қисқа, виждонли - виждонсотар, баҳор - кузак, шодлик - гам, беҳишт - дўзах* каби лексемаларнинг контраст ҳосил қилган ўринларига доир илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 22 апрелдаги №3/1255-1168-сон маълумотномаси). Натижада лексемаларнинг антоним семалар асосида таҳлил этилишига, тегишли луғавий бирликларнинг изоҳланишига, шоирлар ижодида қўлланган контрастни ҳосил қилувчи зид семаларга оид янгиликлар билан бойитилган;

бадиий матнни лингвопоэтик жиҳатдан ўрганишда, экспрессивликни таъминловчи антитеза, оксюморон каби ҳодисаларнинг таҳлилидан чиқарилган илмий хулосалардан ФА-ИЗ-Г009 рақамли «Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» (2015-2016) мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 22 апрелдаги №3/1255-1168-сон маълумотномаси). Натижада нашр этилган «Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент: «Туронзамин зиё», 2016)даги луғат мақолаларидаги тавсифларнинг мукаммаллашишига, поэтонимларга хос лингвопоэтик ва лингвопрагматик хусусиятларнинг тўлақонли ёритилишига хизмат қилган;

контраст ҳодисасининг ўзбек поэтик матнида тутган ўзига хос ўрнини белгилаш, контраст ҳодисасини ўзбек тилидаги зиддият асосига қурилган бошқа лингвистик ҳодисалар силсиласида ўрганиш, контраст ҳодисасининг ўзбек ва инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этишда етакчи омиллардан бири эканлигига оид илмий-

назарий хулосалардан И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» (2014-2015) мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 89-03-1901-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тилидаги антитеза, оксюморон каби воситаларнинг бадиий матнда, хусусан, поэтик матнда тутган ўрни аниқланган ва контраст ҳосил қилувчи воситаларнинг лексикографик изоҳлари янада бойитилиб, маънолар изоҳи мукаммаллашган;

Анвар Обиджон, Усмон Азим, Аъзам Ўктам ижодий лабораториясига доир қарашлар, уларнинг ижодида бадиий тасвир воситалари қатори контраст усулининг қўлланишида адибларнинг ижодий ўзига хослигига доир илмий хулосалардан «O'zbekiston» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт», «Адабий жараён» ҳамда «Ўзбек шеърияти» эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиоканалининг 2021 йил 15 октябрдаги 0405-16-36-сон маълумотномаси). Натижада дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиймати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Контраст атамасининг моҳияти ва унинг тилшуносликдаги талқини**» деб аталган дастлабки боби уч фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл «*Контраст ва унинг фанлараро тавсифи масаласи*» тарзида номланади. Мазкур фаслда зиддият тушунчасининг кенг қамровлиги, фаннинг барча соҳалари учун бирдай тааллуқли эканлиги ҳамда уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи хусусиятлар тўғрисида фикр юритилган.

Зиддият ҳаётдаги мавжуд қарама-қаршиликлар асосида ётиши, уларнинг бадий ифодаси экалиги, муаллиф мақсадига боғлиқ ҳолда сюжетни ҳаракатга келтиришда прагматик имкониятларга эга эканлиги, тилда турли кўринишларда намоён бўлиши баён қилинган.

«Сўз – концепт – контраст муносабати» деб номланувчи иккинчи фаслда эса инсон фаолияти билан боғлиқ барча фанларни қизиқтириб келаётган зиддият ҳодисасининг тилшуносликка дахлдорлик сабаблари, унинг тилда воқеланиш усул ва имкониятлари ҳақида мулоҳаза юритилган.

Учинчи фаслда фикрлар ривожи давом этар экан, сўз – концепт – контраст муносабати, сўз – тушунча – контраст муносабати каби масалаларга ойдинлик киритилган.

Бобда келтирилган таҳлиллар натижасига кўра, концепт ва контраст бир-бирини тақозо қилувчи тушунчалар ҳисобланиши, концепт инсон нутқи намоён бўлиши учун хизмат қилувчи сўз, гап, матн каби лисоний birlikлар орқали юзага чиқувчи фикрлаш жараёни экани кўрсатиб берилган. Контрастнинг функционал-прагматик имкониятлари фикр ифодалашда зидлик муносабатини ҳосил қилувчи birlikларнинг матндаги ўзаро боғлиқлигида кўринади. Концепт инсон онги билан боғлиқ тушунчаларни акс эттирса, унинг воқеланиши сўзга, яъни лисоний birlikларга бориб тақалади. Сўз лексик сатҳнинг асосий бирлиги ҳисобланади. У ўз табиатига кўра лексик, грамматик ва семантик жиҳатларни мужассамлаштириб, контраст ифодаловчи birlik сифатида турли прагматик вазифаларни бажаради.

Ишнинг иккинчи боби **«Контрастнинг прагматика ва поэтикага муносабати ҳамда лингвистик ва стилистик контексти тавсифи»**га бағишланган бўлиб, тўрт фаслдан иборат. Биринчи фаслда *«Контраст ва прагматика муносабати»* очиб берилган. Бу фаслда нутқий акт тушунчаси моҳияти, унинг ўзига хос босқичлари ва мезонлари, контраст воқеланишида тутган ўрни каби масалалар таҳлил қилинган. *«Поэтик матнда контраст ҳосил қилувчи birlikлар»* номли иккинчи фаслда эса шеърятнинг энг асосий тушунчаларидан бири контрастлик эканлиги, контраст ҳосил қилувчи birlikлар асар тилининг эстетик таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилиши ҳамда тилда кенг маънода қарама-қаршилик кўринишларини ифодаловчи антитеза, оксюморон, антисемия, энантиосемия каби ҳодисаларни таҳлил қилиш орқали контрастнинг тил тизимида тутган ўрнини белгилаш мумкинлиги тўғрисида фикр юритилган.

Шахснинг руҳий ҳолати, ўзгалар билан мулоқотга киришишида ҳис-туйғуларининг контраст ифодаловчи воситалар ёрдамида юзага чиқиши ижодкор поэтик маҳоратидан далолат беради. Шеърятда контраст birlikлар воситасида инсоннинг маданий, маънавий жиҳатлари акс этади. Воқелик фактларидан кучли таъсирланиш, турли инсоний муносабатлар туфайли эмоционал зўриқиш ҳолатида сўз танлаш ва қўллашда сусайиш кузатилади. Бундай ҳолатда муносабат ифодалашда қўлланивчи, баъзан адабий тил меъёрига тўғри келмайдиган, тарихан эскирган сўзлар ҳам контраст воситаси сифатида қўлланиши мумкин.

Бобнинг учинчи фаслида «*Контрастнинг лингвистик контексти ва унинг матнда ифодаланиш усуллари*» таҳлилга тортилган. Маълумки, сўзнинг турли гуруҳлари контраст моделига турлича киришади. Биз сўз сифатида қабул қиладиган маъносига кўра қарама-қарши турадиган жуфт сўзларда контраст қирралари яққол кўринади. Бу сўзларнинг ўзаро бири-бирига қарама-қарши турувчи маънолари шаклий лингвистик ифодага эга бўлади ва сўз маъносига худди унинг лексик маъноси сингари ёпишиб олади. Бундай зидлик лингвистик антонимликни акс эттиради. Лексик бирликлар – антонимлардан ташқари контраст нутқий мулоқотда контраст муносабатида қўлланилувчи ўзаро зид бўлган бошқа лексик бирликлар гуруҳини ҳам ўз ичига олади. Аммо шуни ҳам қайд этиш керакки, нутқий мулоқот ёшга, инсоннинг мутахассислиги, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитларига, шунингдек, кишилар онгидаги мавжуд воқелик моделини, кишилар жамоаси нутқий алоқаларини қамраб олиши мумкин.

Асар мавзуси ва руҳиятидан келиб чиқиб, муаллиф томонидан танланган контраст ифодаловчи антонимлар бир томондан ижодкор ўз олдига қўйган мақсадининг амалга ошишини таъминлайди, иккинчини томондан эса, матнда ифодаланган зиддиятли ҳолатлар тўғрисида китобхонга маълумот беради. Ана шундай хусусиятларни умумлаштирган ҳолда антонимлар бадий матнларда тилнинг энг муҳим ижтимоий вазифаларидан хабар бериш ва таъсир этишнинг амалга ошишини таъминлашга хизмат қиладди. Масалан, тилимизда *осон* ва *қийин* сўзлари ўзаро антоним ҳисобланади. Шоир Аъзам Ўктамнинг «Остонада» шеърида «Етти ўлча, бир кес» мақоли асосида бу сўзлар ўзаро зидликни ҳосил қилганлиги кўзга ташланади:

Бошим қотди тагин кўп ёмон, Яна ёлғиз уф тортдим чуқур.//

Етти ўлчаш экан-ку осон, Қийин экан бир кесиш қургур,

Шайтон қанча бермасин пишанг, Бўсагадан ҳатлатмас ахир —

Пойимдаги у кумуш кишан, Бўйнимдаги бу тилла занжир!

Бобнинг тўртинчи фасли контрастнинг стилистик контексти тавсифига бағишланган. Тилда стилистик контекст юқори даражада контекстуал алоқаларни акс эттиради, контекстуал маъно ифодалайди, бир маънони кучайтириб, бошқаларининг таъсирини йўқотади. Стилистик контекст такрорлар ва контрастлар, маъноси ёки коннотация характерида кўра уларнинг контекстга яқинлиги таъсири остидаги сўзлар, турли сатҳлардаги транспозиция, сўзларнинг ноодатий нарса-предметларга таааллуқли эканлигига кўра қўлланиши каби белгиларга эга бўлиб, кўпинча контрастнинг ўхшашлик бўйича ҳолати акс этади.

Контрастнинг стилистик контексти ифода контекстининг турли кўринишларини акс эттиради, тилдаги бир неча лисоний сатҳни қамраб олади, матнни ташкил қиладди ва тартибга солади. Контраст контексти чегараси доимо ҳаракатда бўлиб, у сўз бирикмаси – гап – жумла усти бириги – матнни қамраб олади.

Стилистик контекст бадий матннинг услубий вазифаси ва тузилишига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Аъзам Ўктамнинг «Хизмат» шеърида қўлланган контраст замирида пресуппозиция ётганлиги сезилади:

*Элчига ўлим йўқ,
рост сўзлар фақат
эшитганлар титраб кетса ҳам:
Подшоҳ берган шундоқ ваколат.
Лекин бўйнингга ол,
билки, ўлим нақд,
агар фуқаронинг элчиси бўлсанг.*

Контраст тушунчаси стилистик усул тушунчасига нисбатан кенг, шунинг учун уни маълум бир зидлик ҳолатини кўрсатувчи контекстлар доирасида қараш мумкин. Воқеликдаги нарса-предметларни, маълум бир ҳолатни тилдаги мавжуд лисоний бирликлар воситасида тасвирлаш ва шу орқали эстетик таъсирчанликни юзага келтириш санъатнинг тузилиш тамойили ҳисобланади ва унга яхлитлигича контраст тушунчасидан айро ҳолда қараб бўлмайди. Контраст қўлланишида аввало, муаллиф мақсади ётади, шу боис у поэтик матнда ўқувчига бадий-эстетик таъсир қилиш мақсадида қўлланилади ва прагматик вазифани бажаришга хосланган такрорланиб турувчи ҳодиса ҳисобланади.

Боб охирида контраст фаоллашуви нутқ субъектининг коммуникатив мақсадига боғлиқ бўлиб, контекстнинг ўзига хос тури –контраст контексти доирасида амалга ошиши, унинг чегаралари контрастнинг семантик доминанти ва контрастга лаёқатли бирликлар миқдорига, уларнинг тил ва нутқ сатҳида намоён бўлишига қараб белгиланиши тўғрисида хулосага келинган. Ўз моҳиятига кўра контраст контексти икки кўринишда намоён бўлади: контрастнинг лингвистик контексти ва контрастнинг стилистик контексти. Биринчи ажратилган контекст контраст самарасини кам миқдорда кўрсатади ва мухтор ҳисобланади. Контекстнинг иккинчи тури эса аксинча, турли сатҳларда энг юқори даражада контраст алоқаларни ифодалашда иштирок этади.

Диссертациянинг «**Контраст бадий матннинг семантик-функционал асоси сифатида**» деб номланган охирги боби уч фаслдан иборат. «*Контраст воқеланишида прагматик-услубий имкониятлар*» номли биринчи фаслда контраст ҳосил қилишда воситаларнинг тутган ўрни тўғрисида сўз юритилган.

Бадий адабиётда муаллиф томонидан танлаб олинган тил бирлиги, жумладан, контраст ҳосил қилувчи антонимик муносабат ифодаловчи тил бирликларининг бадий матнлардаги бажарадиган вазифаси, лингвопрагматик имкониятлари, бадий-эстетик қиммати каттадир. Ижодкор антонимлар воситасида инсон руҳияти тасвирини чизади, ўзаро зид нуқталарда турувчи бетакрор поэтик образлар яратади, кишилар ўртасидаги турли нозик муносабатларни акс эттиради, воқеликдаги зиддиятга асосланган кўринишларни бадийлик бўёғи билан асар руҳиятига сингдириб юборади.

Ана шундай ҳолатда инсон руҳияти, унинг атрофдагиларга муносабатини ифодалашнинг ёрқин воситаси бўлган антонимлар лингвопрагматик имкониятларини намоён этади.

